***Мен раҳматли отам Назирхўжа эшондан Ёдгор бўлиб, у кишининг қирқи куни туғилган эканман. Шу боис отам билан боғлиқ ҳамма нарса мен учун жуда қадрли, азиз. Айниқса, отамнинг дўстларини кўрсам, худди ўзларини кўргандек бошим осмонга етади. Не бахтки, Чархий домла отамнинг ҳаммадраса дўстларидан бўлган эканлар.***

***Мавлоно Муқимий уй-музейидаги илк учрашувимиз ҳаётимдаги ёрқин саҳифаларни очиб берганди. Чархий домла отамни жуда узоқ таъриф қилдилар. Мен эса отамнинг сиймоларини кўз олдимга келтиришга уриниб, ҳаяжонланиб, завққа тўлиб ўтирардим.***

# БЕЗОВТАЛИККА БАРҲАМ БЕРГАН ТУШ

Ўша йиллари мен кундузи ишлаб, институтнинг кечки бўлимида ўқирдим. Шаҳарнинг Толзор маҳалласида уч нафар дўстларим билан ижарада яшардим. Ўртамизда борди-келди ўрнатилгач, Чархий домла мени ўз уйларида бирга яшашга қистай бошладилар. Гарчи устоз мени ўз фарзандлари қаторида кўриб, отамдек меҳр кўрсатсалар-да, мен уларнинг уйларида яшашдан тортинардим. Ноқулайлик туғдиришдан чўчиб, қаттиқ андиша қилардим. Ҳар хил баҳоналар топардим.

Кунларнинг бирида домла машина ёллаб келиб, енгил кўрпа-тўшагимгача юклаб, уйларига олиб кетдилар. Бу сафар қаршилик қилолмадим. Фарзандлари қаторида яшай бошладим. Орадан бир неча ойлар ўтди. Шу орада музей қоровули Сиддиқжон амакининг кўзлари касалланиб, қоровулликка ярамай қолдилар. Мен устоздан бир неча бор, Сиддиқжон амакининг ўрнига бориб ётсам, деб илтимос қилдим. Аммо, ўн саккиз ёшли навқирон йигит, ҳайҳотдек мадраса ҳужрасида ёлғиз ётасизми, деб унамадилар. Тортишув роса бир ҳафта давом этгач, менинг фойдамга ҳал бўлди.

Мен кўрпа-тўшагимни кўтариб, муборак "Мадрасаи Ҳазрат Соҳибзода"-га, яъни Мавлоно Муқимий уй-музейига кўчиб ўтдим. Кўчиб ўтдиму устоз осойишталикларини йўқотдилар.

Музейдалик пайтимда, айниқса кечқурунлари деярли ҳар соатда телефон қилардилар. Ниҳоятда безовта эдилар. Ҳатто у кишини тинчлантириш учун ўша маҳаллада ижарада яшовчи Набижон исмли чустлик ўртоғимни ҳам бир-икки кеча ҳамроҳликка чақиришга тўғри келди. Ниҳоят еттинчи кеча туш кўрдим. Тушимда мени кимдир чақирар эди. Туриб борсам, икки нуроний, оппоқ соқолли мўйсафид. Ҳар иккаласининг эгнида алак чопон, бирининг бошида салла, қўлида асо, иккинчиси эса ҳассасиз, бошига дўппи кийган. Улардан салла кийгани: "Кел, ўғлим, мен даданг бўламан, бу ерга сени кўргани келдик" дер эди.

Мен ҳам қучоқ очиб нуроний отахоннинг кўксига бош қўйдиму уйғониб кетдим. Не кўз билан қарайки, қўшни ҳужрада турибман. Аввалига мени қўрқув босди. Бироқ, ўша фариштанамо, юзларидан нур ёғилиб турган нуронийларни эслаб кўнглим равшан тортди. Шу пайт телефон жиринглади. Дастакни олдим, яна устоз Чархий домла эканлар.

Эртасига кўришаётиб беихтиёр устозга тушимни айтиб юбордим. Тушимни эшитиб, устоз ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдилар. Қувончлари ичига сиғмай: "Бас, ўғлим, энди бугундан бошлаб мен сизни безовта қилмайман. Ўз жойингизни энди топибсиз. Отангизнинг, Муқимий бобонинг руҳлари шод бўлибди. Бундан буён бехавотир, ўша мен айтган қоидаларга амал қилиб ётаверинг" дедилар. Мен шундагина устознинг бир ҳафталик безовталик сабабларини тушундим. Илоҳий ишорат кутаётган эканлар...



Тушундимки, шу тушни кўрмагунимча устознинг кўнгиллари барибир жойига тушмас экан...

Мен устоз билан умрларининг сўнгги кунларигача бирга бўлишга интилиб яшадим. Чунки мен эрта ўтиб кетган падарибузрукворим меҳрини, тарбиясини устоз Чархийдан олдим.

1968 йили туширилган ушбу сурат менга устоздан эсдалик бўлиб қолди.

**Салимжон НАЗИРИЙ**

# ҲЕЧ НЕНИ СЕВМАДИМ ВАТАНДАН ОРТИҚ...

***Газетамизнинг фаол тарғиботчиларидан бири шоир ва олим Рашидхон Шукуров қаламига мансуб "Дунёнинг умиди" шеърий тўплами назм мухлисларига манзур бўлди. "Жон қадар суймоққа Ватанинг бўлсин, Меҳрини туймоққа Ватанинг бўлсин, Хориганда азиз остонасига Бошингни қўймоққа Ватанинг бўлсин", деган ҳароратли сатрларда шоирнинг беғубор қалби, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати шундоққина кўриниб турибди. Қуйида унинг ижодидан айрим намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.***



**Рашидхон ШУКУРОВ**

## ТЎРТЛИКЛАР

* * *

**Бу азиз бошимга солмагин ғурбат,**
**Ватандан айирма, толе, қил шафқат.**
**Ватан тупроғини кўзга суртай деб,**
**Ҳар кеч тушларимда йиғлайди Фурқат.**

* * *

**Хорижда кўп ажиб корларни кўрдим,**
**Хоруннинг давлати борларни кўрдим.**
**Симу зар ичинда нажот топмайин,**
**Ватан тупроғига зорларни кўрдим.**

* * *

**Юрагида Ватан, улуснинг дарди,**
**Кипригига қўнса йўлларнинг гарди.**
**Шу ҳикмат жо бўлса, имтиҳон айлаб,**
**Майдонда синалар йигитнинг марди.**

* * *

**Ўзингга ёлвориб қиларман нидо,**
**Ҳар бандинг бошига толе бер, Худо.**
**Умр бўстонида фасли гул чоғи**
**Булбулни чамандин қилмағил жудо.**

* * *

**Дунёнинг ҳикмати дилингда бўлсин,**
**Рустамнинг қуввати белингда бўлсин.**
**Фарзанд бўлиб шай тур эл хизматида,**
**Юракда не бўлса, тилингда бўлсин.**

* * *

**Минг шукр ҳаётда кўрмадик зорлик,**
**Аждодларим этди бу юртни тортиқ.**
**Умрни яшадим бахтга ёр бўлиб,**
**Ҳеч нени севмадим Ватандан ортиқ.**

## Дунё кенг...

### ТИБЕТЧА УМРЗОҚЛИК

**Узоқ умр кўриш қадимдан одамларнинг орзуси бўлиб келган. Ҳозир ҳам бунга интиладиганлар кўп. Айтишларича, фақат Тибетда икки минг йилдан бери умрзоқликни таъминлаш учун одам нима қилиши кераклиги миридан-сиригача ишлаб чиқилган система мавжуд экан.**

Тибетнинг руҳоний етакчиларидан далай-лама Тенцзин Гятцонинг уқтиришича, киши доимо эҳтиёткор бўлиши керак: ўзи билан, ярадор бўлиб қолганда, заҳарланганда, қон йўқотганда қўлланадиган дориларни, кам миқдорда бўлса-да, олиб юриши лозим. Тибетча умрзоқлик системаси кишининг ўзига ножиддий муносабатини қоралайди.

Одам касалликни келтириб чиқарадиган сабабларнинг илдизини йўқотиши учун зарур бўлган ҳамма амални қилиши лозим. Мисол учун, агар ёмон иш қилиб қўйган бўлса, уни яхши амал билан ювиши керак. Акс ҳолда, виждон "қоннинг шамоллаши"-га йўлиқтиради. Душманларни эса "тинч усуллар" билан хотиржам қилиш таклиф этилади, чунки қасос иситмани кўтаради ва юракни тез уришга мажбур қилади. Қизлар, айниқса, ширин гапга, мақтовга ўч бўлмасликлари керак, бундай муомала ҳам юракнинг табиий ҳаракатини издан чиқаради. Шунингдек, манманлик ва мақтанчоқлик жигарнинг ҳолатини ёмонлаштираркан, оқибатда бош оғриғи, талоқнинг шамоллаши, ҳатто ошқозон фаолиятининг бузилиши рўй беради.

Хўш, узоқ умр кўриш учун тибетлик табиблар нималарни истеъмол қилишни маслаҳат беради?

Тибет табобати асосида фаолият кўрсатадиган "Мен Тцее Ханг" шифохонасининг бош врачи Локхан Томупнинг айтишича, бунинг учун аллақандай камёб гиёҳлару масалликлар шарт эмас. Бунда, асосан, фаслларни назарда тутиб, тўғри овқатланилса кифоя. Мисол учун, қишда совуқдан одамнинг териси нафас ололмайди, агар бундай пайтда кам овқатланилса, дармон қуриши мумкин. Шунинг учун, бу фаслда гўштли овқатлар истеъмол қилган маъқул. Кўкламда эса қуёш киши организмидан қувватни ўғирлайди, шунинг учун кўпроқ ширинлик ва вино ичиш лозим бўлади.

Одамлар кўпинча ёзда қазо қилишади, бунинг сабаби — қуёш нури остида организмда сафро йиғилади. Ундан қутилиш учун ҳам ширинликларни ва тузланган маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилган маъқул.

Музлатилмаган товуқ гўшти билан озиқланиш узоқ умр кўришнинг гарови, дейиш мумкин.

Тибет табобатида уйқуга ўта жиддий эътибор билан қаралади. Оқшом — уйқу маҳали, оқшомги уйқуни олмаган киши ўз умрини қисқартиради, дейишади тибетлик табиблар. Улар "бирор-бир касали" бор (кимни бирор-бир касали йўқ, дея оламиз) кишига ҳар куни тушликдан сўнг икки соат ухлаб олишни таклиф қилишади. Узоқ умр кўришни хоҳлаган киши учун энг қулай яшаш жойи "тупроғи тоза, чиройли тоғли жойлар".

Шунингдек, тибетлик табиблар тилла тақинчоқлар тақиб юришни маслаҳат беришади. Тилла, уларнинг фикрича, "умрни узайтиради ва қонни тозалаб туради".

Катмандудаги тибет шифохонаси бош врачи Тцеринг Лэнг кимёвий таркибли дориларни умуман ичмасликни маслаҳат беради. Бундай малҳамларни қанча кўп истеъмол қилсангиз, ўзингизга шунча тез гўр қазиган бўласиз, дейди у. Т.Лэнг табиий гиёҳларга урғу беради, ўзининг шифобахш хусусиятини йўқотмаган тарзда қуритилган гиёҳлар қайнатмаси умрни узайтирадиган ишончли воситалардан, деб ҳисоблайди. "Агар киши узоқ умр кўришни хоҳласа-ю, бироқ зарур нарсаларга пули бўлмаса, у май ойида терилган гиёҳларнинг қайнатмасини ичиб туришни унутмаслиги лозим, чунки бунинг нафи жуда катта. Ўтган асрларда одамлар йўнғичқа (беда), сабир ўт, ҳатто қариқиздан даво топишган. Умуман айтганда, — дейди табиб, — узоқ умр кўриш — бу кишининг яшаш тарзи; врачнинг кўрсатмаси бўйича дори-дармон ичиб даволаниш бошқа масала. Агар сиз "узоқ умр кўриш қоидаси"да кўрсатилган кўрсатмаларга амал қилсангиз, яъни феъл-атворингизда, овқатланишингизда, яшаш тарзингиз ва жойингизда айтилганларни бажарсангиз, бир аср яшашингизга биз кафиллик берамиз", дейди Т.Лэнг.

Хулоса шуки, юз йил яшашни хоҳлайдиган одам доим ўзи билан энг зарур дори-дармонни олиб юриши, мақтовлардан қочиши, душманларидан қасос олишга уринмаслиги, тоғли жойда яшаши ва йўнғичқа қайнатмаси ичиб туриши керак экан. Бир қарашда осондай туюлади, бироқ умр деган мураккаб жараёнда шу оддий шартларга қай биримиз амал қила оламиз?

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси **Ҳабибулла Саид ҒАНИ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор этади.

# ҚАРСАК НЕГА ЧАЛИНАДИ?

***Инсоният қарсак чалишга қачон ўрганганлиги маълум эмас. Маълуми шуки, одам ҳаётда, кундалик турмушда ёки бирор бир тадбирда бирон воқеадан ижобий маънода таъсирланса, кўнгли беихтиёр ёришиб кетса, қарсак чалиб юборади. Шу маънода қарсак — баҳо, эътироф, тан бериш, қойил қолиш ифодаси бўлиб, бордию оддий чапаквозлик узоқ давом этадиган гулдурос олқишларга айланиб кетса ҳам ёмон жойи йўқ.***

*Мулоҳаза*

Шўро замонида шу бечора қарсак ҳам белини маҳкам боғлаб, мафкура манфаатларига сидқидилдан хизмат қилган. У даврда қарсак — кўпчиликнинг овози мақомида умумхалқ фикри ва хайрихоҳлигини ифодалаган. Одамлар зўр бериб қарсак чаляптиларми, демак, ҳамма иш жойида. Яшасин қарсак, яшасин олқиш. Бирор бир тадбирнинг қандай ўтганлиги қарсакларнинг жаранги ва давомийлиги билан белгиланар ва бу ҳол ҳамманинг фикри-зикрига сингиб кетган эди. Қарсак қачон бошланиши, қаерда бошланиши ва бу муҳим ишни ким бошлаб бериши аввалдан келишиб қўйилар эди. Шу тариқа қарсак ўз замиридаги самимиятдан, холис эътирофдан маҳрум этилган эди.

Театр мисолида айтадиган бўлсак, қарсаклар томошабин ҳайратининг акс-садоси эканлиги сир эмас. Томоша залида ўтириб янги бир спектаклни кўрар эканмиз, актёрлар маҳоратига қойил қолганимизда, қаҳрамонларнинг сўзлари, хатти-ҳаракатлари ёки бошқа бир ҳолатлар туфайли кафтларимиз жуфтлашади. Бу энди янги гап эмас. Фақат, томоша залида янграётган қарсаклар ҳамиша ҳам маҳорат ёки актёрга ҳурмат этирофими?

Яқинда нуфузли театрларимиздан бирида намойиш этилаётган бир спектаклни бориб кўрдим. Асарнинг бадиий савияси тўғрисида гапирмоқчи эмасман, бу — театршуносларнинг иши. Мени ўйлантираётган ва ушбу сатрларни қоғозга туширишга сабаб бўлган нарса — томошабинларимизнинг савияси, уларнинг томоша залидаги маданияти. Кўпчилик қарсак қачон ва нима сабабдан чалинишини билмайди шекилли, саҳнадаги воқеалар қай йўсинда бормасин, истаган пайтида қарсаквозликни бошлаб юборади ва унга, албатта, бошқалар ҳам қўшилади.

Масалан... Эркак минг бир изтироб, минг андиша билан кўнглида борини, ички ҳиссиётини ифода қилиш учун аёлнинг билагидан ушлайди... Икки инсон ўртасидаги бу нозик, бокира ҳолатнинг бевосита гувоҳига айланган айрим томошабинлар эса... чапак чалишади, унга қўшилган яна кимлардир ҳуштакбозликни авжига чиқаришади.

Ёки... Актрисанинг кўзидан ростакамига ёш чиқади... Унинг юраги ҳаяжон билан тўлган, қалби безовта. Томошабин шу ҳолатта ҳам қарсак чалади.

"...Мен касал ётган синглисининг тепасида туриб тавба-тазарру қилган қизимга қандай қилиб эртага сен фоҳишалик қиласан деб кўчага чиқараман..."

"О, зўр гап бўлди!" дея актёрнинг кейинги гаплари гулдурос қарсаклар остига кўмилиб кетади. Шўрлик отанинг бу аянчли иқрори — драматург ва актёр маҳорат билан ифодалаб бераётган психологик ҳолатнинг маъно-моҳиятига етмаган томошабиннинг енгил-елпи чапагига мутлақо муҳтож эмас. Бу ерда чапак эмас, фикр керак, ота нега энди шу ҳолатга тушиб қолганлиги сабабларини англашга уриниш лозим. Сиз яхшиси сукут сақланг, асар қаҳрамонининг юрагини тингланг, бу иқрор ортида ҳаётнинг нечоғли шафқатсиз ҳақиқати ётганлигини тушунинг. Бевақт чалинган қарсак бевақт қичқирган хўрознинг ёқимсиз ва хосиятсиз овозини эслатади. Аксарият ҳолларда томошабиннинг бу енгилтаклиги санъаткорни чалғитади.

Европада ақл ҳукмдори деб эътироф этилган Алберт Камю: "Нега одамлар менга қарсак чалишди, шунчалик бемаъни гап айтдимми?" дея ўзига ўзи савол берган экан. Албатта, бундай шижоатга ҳамма ҳам қодир эмас. Аммо ҳоҳ саҳнада бўлсин, ҳоҳ бошқа жойда бўлсин, қарсаклар нега янграётгани ҳақида бироз ўйлаб кўришимиз ҳам фойдадан холи эмасга ўхшайди.

Мен томоша қилган спектакл пайти қулоғимга чалинган ва кўпларнинг асабига теккан ҳудабеҳуда чапаклар буюк Чаплин ифодалаган ношуд қаҳрамонлардан бирининг аянчли ва кулгили ҳолатини эслатди.

**И. АБДУРАЗЗОҚОВА**

*Ёднома*

***Миллий адабиётимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшган беназир инсон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков ажойиб асарлари билан китобхонлар қалбидан жой олган адибдир. Бизлар Ўлмас Умарбеков билан дорилфунунда бирга сабоқ олиш бахтига муяссар бўлганмиз.***

# ШОШМА, ҚУЁШ...

...1951 йил, 1 сентябр. Ўрта Осиё давлат университетига қабул қилинган талабаларнинг қувончи чексиз. Дарсга ҳали қўнғироқ чалингани йўқ. Гуруҳимиздагилар кириш имтиҳонлари пайтида бирбирларини таниб олишган. Фақат мени ҳеч ким танимайди. Негаки, олтин медалли бўлганим учун ҳужжатларимни топшириб ўқиш бошланиши олдидангина етиб келгандим. Ёнимга қадди-қомати келишган, кўринишдан анча вазмин йигит келиб:

— Ўтирсам майлими, — деб сўради.

— Хоҳишингиз, дедим — ийманиброқ.

У исмимни сўради ва ўзининг исми Ўлмас эканлигини айтди. Хуллас, биз танишиб олдик. Сўнгра Ўлмас мени қизлар билан таништирди. Улар беш нафар тошкентлик, ўзларига оро берган қизлар эди. Менинг бошқа шаҳардан келганим эса шундоққина кўзга ташланиб турарди.

Бир ой ўтар-ўтмас пахта теримига борадиган бўлдик. Биз — филология факултети талабаларини Боёвут чўлларига, кейин эса Бўкага жўнатишди. Овқатимиз — макарон шўрва, қора нон, оқ қанд ёки шакар... Ўшанда ҳамма курсдошларим бир-бир синовдан ўтган. Ўлмас ҳамма қатори менга ҳам кўп раҳмдиллик қиларди. Унинг бу табиати ўзига жуда ярашарди. Ҳаммамиз уни ҳурмат қилардик.

50-йилларда талабаларнинг ўқиши ва яшаши учун дурустроқ шарт-шароит яратилмаган эди. Ётоқхонамизда кароватлар уч қаватдан қўйилган. Овқат қилиш у ёқда турсин, чой қайнатиш ҳам минг машаққат. Ошхона йўқлигидан кафе ёки кўча ошхоналарига бориб тамадди қилардик.

Журналистика бўлимида мутахассислик бўйича олий маълумотли ўқитувчилар етишмасди. Шу боис касбимизга оид фанлар кўпроқ рус тилида бўларди. Курсдошларим ичида дарсларни пухта ўзлаштириши, ақл-заковати, илмга тиришқоқлиги ва ташкилотчилиги билан Ўлмас Умарбеков алоҳида ажралиб турарди. Мен ҳам факултет жамоат ишларида фаол қатнашардим.

Ўша йиллари рус филологияси факултетида ўқиётган Зуҳрахон билан танишдим. Ташкилотчи, аълочилардан эди у. Ўлмасга турмушга чиққанидан сўнг у билан опа-сингилдай бўлиб қолдик. 4 курсда турмушга чиқдим, фарзандлик бўлдим. Ўқиш тугаб, давлат имтиҳонлари бошланди.

Имтиҳонга боламни кўтариб боришга мажбур бўлдим. Ўлмас қўлимдан чақалоқни олиб қараб турди. Имтиҳонни топширгач, боламга илҳақ бўлиб, коридорга чиқсам, гўдакка тикилиб ўтирган экан.

— Қизингиз ёқимтой, ювошгина экан, йиғламади ҳам — деди, у боламни қўлимга тутқазиб. Унга миннатдорлик билдирдим.

60-70-йилларда Ўлмас билан журналистларнинг қурултойлари, ёзувчилар анжуманларида учрашиб турардик. У ўзининг кўплаб ҳикоялари, "Ёз ёмғири", "Одам бўлиш қийин", "Фотима ва Зуҳра" сингари қисса ва романлари билан китобхонлар ҳурматини қозониб, кўпчиликнинг назарига тушди. Драматургия жанрида эса катта довруқ қозонди. "Суд" психологик драмаси Фарғона водийсининг кўҳна санъат даргоҳи — Ҳамза номидаги Қўқон драма театрида илк бор саҳна юзини кўрди. 1971 йилда у яқин дўстлари билан Қўқон театрига келиб мени суриштирибди. 1970 йилнинг декабр ойида турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этганди. Буни эшитган Ўлмас таъзия билдиргани уйимизга келди. Бир-икки соат ўтириб мендан ҳол-аҳвол сўради. Турмуш ўртоғим билан яхши таниш бўлиб қолгани ҳақида ҳамроҳларига гапириб берди. Кўнглимга таскин берадиган гапларни айтиб, самимий дўстлигини яна бир бор изҳор қилди. Болаларни Тошкентга олиб боришимни тайинлаб, тинмай ижод қилишим зарурлиги ҳақида маслаҳат берди.

70-йиллари республика матбуотида бадиий ва санъат асарларига доир тақризларим нашр этила бошлади. Театрда намойиш қилинган "Суд" драмасини 2-3 бор томоша қилганимдан сўнг, у ҳақда ҳам мақола ёздим. Пиеса ўзига хос композицион янгиликлар асосида яратилган бўлиб, чуқур ҳаётий кечинмалар, психологик таҳлили билан ажралиб турарди. Асар ғоявий, ахлоқий жиҳатдан кучли драматик асар сифатида тилга тушди. Истеъдодли ёш режиссёр Жавлон Тошхўжаев драма ғоясини томошабинга тўла етказиш, суд жараёнини ишонарли кўрсатиш ва қаҳрамонлар ички дунёсини тўлақонли очиб беришга муваффақ бўлган эди. Бу ҳақдаги тақризим "Ўзбекистон маданияти"нинг 1972 йил 10 март сонида нашр этилди.

Ёзнинг айни чилласи... Болаларимни олиб Тошкентга боргандим. Ўғлим Рустамжоннинг қўлидан ушлаганча кўчадан ўтаётсам, цирк биносига яқин жойда янги "Волга" машинаси тўхтади. Ўлмас машинадан тушиб, биз билан кўришди. Ўғилчам билан мени қўярда-қўймай уйига олиб борди. Бизни Зуҳрахон кутиб олдилар.

— Исминг нима болакай? — сўради Зуҳрахон ўғлимни бағрига босаркан.

— Рустам, — деди у бу яхши одамларни биринчи бор кўрганидан хурсанд бўлиб.

— Рустамжоннинг раҳматли адаси кўп яхши инсон эди-да, булар ҳақида сенга гапириб берардим, эсингдами?

— Ҳа, эсимда... Коммуна опа Ўлмас ака сизни жуда ҳурмат қиладилар, — деди Зуҳрахон.

Ўша куни мириқиб суҳбатлашдик. Ўлмас ўғлимга расмли албомлар совға қилди. 1974 йилдан бошлаб редакциядан ташқари Қўқон театрида адабий эмакдош бўлиб ишладим. Маданият вазирлиги қошидаги репертуар ҳайъатига келиб пиесаларни ўқиб чиққач, театр шароитига тўғри келадиганларини олиб кетиб режиссёрга кўрсатардим. Комил Яшин, Ҳайитмат Расул, Ўткир Ҳошимов, Ёнгин Мирзо каби ўнлаб драматургларнинг саҳна асарларини, қардош халқлар адабиётидан қилинган таржима пиесаларини шу тариқа саҳналаштирган эдик.

1977 йили ўртанча қизим ТошМИга ўқишга кирди. Уни кўргани борганда Маданият вазирлигида ҳам бўлардим. Бир куни қизим иккимиз ўша ерда Ўлмасни учратиб қолдик. У хотинига қўнғироқ қилиб, бизни Зуҳрахон билан гаплаштирди. Бу сафар ҳам бизни уйига олиб кетди. Насибахонни кўриб яқинларини кўргандек хурсанд бўлишди ва менга қизим шу ерда яшаб, ўқиши учун шароит борлигини айтишди. ТошМИ уйларидан узоқ эмасди. Қизим ийманиб хижолат бўлди, шекилли, келиб туришини айтди. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Миннатдорликдан тилимизга дурустроқ сўз келмади.

Ўша куни Ўлмас илтимосимга биноан "Шошма қуёш" деб номланган драматик қиссасини кўрсатди. Пиесани олиб кетдим. Асар санъаткорларга маъқул бўлди ва 1978 йилнинг кузида саҳна юзини кўрди. Ушбу асар кейинчалик Миллий академик театримизда ҳам саҳналаштирилганда бориб томоша қилдим. Драматик қисса ҳар икки театр репертуарининг энг яхши спектаклларидан бири бўлиб қолганди.

1993 йил май ойида 60 ёшга тўлишим муносабати билан Қўқонга таклиф қилгани уйларига борганимда уларни учратолмай танишларимдан суриштирдим. Улар Ўлмаснинг оғир хасталик туфайли Москвада даволанаётганини айтишди... Минг афсус, шундай олижаноб инсон, серқирра истеъдод соҳибига узоқ умр кўриш насиб этмади...



Биз энди қадрдон дўстимиз билан унинг саҳнадаги ва жилд-жилд китоблари саҳифаларидаги қаҳрамонлари орқали тез-тез учрашиб турамиз. Кўнгилга бир нарса таскин беради: Ўлмас мухлислари беҳад кўп ёзувчилардан эди. Шунинг учун ҳам унинг хотираси қалбимиздан сира ўчмайди.

"Шошма қуёш"ни такрор-такрор мутолаа қиламан. Пиеса қаҳрамонининг ўтинчи Ўлмаснинг қалб армонлари бўлиб, бутун борлиғимни титратади: "Умр ўтиб боряпти... Ҳар куни кечқурун ботаётган қуёшга қараб уни тўхтатгим келади. Шошма қуёш, яна бироз нурингни сочиб тур. Ишларимни тугатиб олай..."

**Коммуна ОЛИМОВА**

*Қўқон шаҳри.*

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55
Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОН
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.30.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4776. Буюртма Г — 448. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН